

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалаврият таълим
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат педагогика университетети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	1
1.1.	Кўлланиш соҳаси	1
1.2	5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари таснифи.....	2
2.	5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	3
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	3
2.2.	5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	4
3.	5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	5
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	6
3.2.	5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	7

1. 5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малака(даража)си ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака (даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалаврият таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5110800 - *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятлари таснифи

1.2.1. 5110800 - *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5110800 - *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* бакалаврият таълим йўналиши - умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

муассасалари учун бакалаврият таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- фан, таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- фан ва таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ҳамда ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олинishi назарда тутилади.

5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўрнатилган тартибда дарс бериш;

- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

- таълим тизимида кабинет мудир, методист ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

- аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

- ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида маънавий-маърифий соҳаларда ишлаш;

- ишлаб чиқариш соҳаларида, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

1.2.3. 5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий

фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари:

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалавр **5A110801- Тасвирий санъат ва амалий безак санъати, 5A110802-Муҳандислик графикаси ва дизайн назарияси** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;
- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихи ва географиясини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар маънавиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

• таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалаврият йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Маънавий-маърифий фаолиятида:

маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиклол ғоясини сингдириш;

ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садокат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

3. 5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

Умумметодологик, гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Умумметодологик, гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги Умумметодологик, гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллариининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

қоинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга шунтур етказмайдиган технологиялар яратиш истикболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантикий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириши;

интернет воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, веб-квестларни яратиш ҳамда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш малакасини шакллантириши;

математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги ҳақида;

талабаларга бакалаврият таълим йўналишининг назарий ва амалий масалаларини еча олишга етарли бўлган математик аппаратни эгаллаши ва уни қўллашни шакллантириши;

тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликни олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий – гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириши;

тарбия жараёнида болалар ва ўсмирлар соғлигини ҳимоя қилиш, ўрта махсус ва касб-хунар коллежлар шарт - шароитлари, жиҳозланиши ва ўқув юкламанинг организмга таъсирини ўрганиш;

бакалаврларни экология ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги асосий тушунчалар, экологик муаммолар, бу муоммоларни ўз вақтида ижобий ҳал қилиш учун экологик маълумотга эга бўлишлари;

табиат қонунларидан хабардор бўлишлари, табиат билан жамият ўртасидаги узвий боғлиқликнинг туб моҳиятларини англаб етишлари.

Умумқасбий фанлар блоки бўйича:

математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

таълим олувчиларнинг умумқасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши;

умумқасбий вазибаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

қасбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

замонавий таълим ва инновацион тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, қасбий ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши;

бирламчи манбалар асосида қасбий билимларни ривожлантириш, қасбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар тамонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш;

бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш;

ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий хужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш;

миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш қўникма ва малакаларини шакллантириш;

глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш;

талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш лозим.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

бакалаврият таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти қўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш; муҳим касбий сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириши;

аниқ педагогик вазиятда маълум масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик тафаккурни ривожлантириши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига қўмаклашишни *таъминлаши лозим.*

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

талабаларнинг бакалаврият таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

жамиятни педагогизациялаш шароитида педагогик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш малакасини таркиб топтириши;

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача килиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим –60,3 %;
- аттестация –9,3 %;
- таътил -15,7 %;
- малака амалиёти –11,8 %;
- битирув малакавий иши –2,9 %.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

умумметодологик, гуманитар-табиий-илмий фанлар 25,59%;

умумқасбий фанлар 45,23%;

ихтисослик фанлар 23,47%;

қўшимча фанлар 5,71%.

Таълим йўналишининг «Умумқасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибидаги фанларга мос бўлган «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» ва «Математика ва табиий-илмий фанлар» блоки фанлари учун ажратилган ўқув юклама ҳажми мазкур таълим йўналиши ўқув режасининг «Умумқасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибига ўтказилиши мумкин.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта килиб белгиланади.

**5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалаврият таълим йўналиши
бўйича таълим дастурининг тузилиши**

Т.р.	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкларнинг хажми, соатларда
1.00	Умум методологик, гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1686
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний маданият*	128
1.08	Таълимда ахборот технологиялари	184
1.09	Математика	232
1.10	Пластик анатомия	94
1.11	Ёш физиологияси ва гигиена	58
1.12	Экология ва табиатни муҳофаза қилиш	58
1.13	<i>Танлов фанлари</i>	78
2.00	Умум касбий фанлар	2980
2.01	Умумий психология	254
2.02	Умумий педагогика	268
2.03	Тасвирий санъат тарихи	142
2.04	Қалам тасвир	546
2.05	Ранг тасвир	466
2.06	Композиция	130
2.07	Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш	58
2.08	Ҳайкалтарошлик	136
2.09	Амалий ва бадиий безак санъати	122
2.10	Чизма геометрия	246
2.11	Чизмачилик	424
2.12	Муҳандислик компьютер графикаси	128
2.13	Архитектура элементларини лойihalаш	60
3.00	Ихтисослик фанлари	1546
3.01	Академик қалам тасвир асослари	276
3.02	Дастгоҳли академик ранг тасвир асослари ва композиция	244
3.03	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси	248
3.04	График тасвирлаш асослари	400
3.05	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитишда технологиялар ва лойihalаштириш	132
3.06	<i>Танлов фанлари</i>	142
4.00	Қўшимча фанлар	376
	ЖАМИ	6588
	Малакавий амалиёт	1296
	Битирув малакавийиши химояси билан	324
	Аттестациялар	1026
	ЖАМИ	2646
	ҲАММАСИ	9234

Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми.

3.00	Умумқасбий фаилар	3770	51,33	2178	2.00	Умумқасбий фаилар	3294	50,00	1860	-318
3.01	Умумий психология **	274		156	2.01	Умумий психология	254		136	-20
3.02	Умумий педагогика**	308		174	2.02	Умумий педагогика	268		144	-30
3.03	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси	276		152	2.03	Тасвирий санъат тарихи	142		64	-14
3.04	Тасвирий санъат тарихи	144		76	2.04	Қаламтасвир	546		318	-36
3.05	Қаламтасвир	582		354	2.05	Рангтасвир	518		300	-52
3.06	Рангтасвир	562		352	2.06	Композиция	130		70	-2
3.07	Композиция	146		72	2.07	Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш	58		32	-34
3.08	Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш	160		66	2.08	Ҳайкалтарошлик	168		94	+14
3.09	Ҳайкалтарошлик	144		80	2.09	Амалий ва бадний безак санъати	120		66	-10
3.10	Амалий ва бадний безак санъати	144		76	2.10	Чизма геометрия	260		156	+4
3.11	Чизма геометрия	252		152	2.11	Чизмачилик	408		248	+20
3.12	Чизмачилик	386		228	2.12	Муҳандислик компьютер графикаси	128		68	-8
3.13	Муҳандислик компьютер графикаси	140		76	2.13	Архитектура элементларини лойihalаш	60		32	+32
3.14	Танлов фаилари	252		164						
4.00	Ихтисослик фаилари	1236	16,83	804	3.00	Ихтисослик фаилари	1546	19,64	650	-154
4.01	Академик қаламтасвир асослари	250		136	3.01	Академик қаламтасвир асослари	276		140	+4
4.02	Дастгоҳли академик рангтасвир ва композиция	234		150	3.02	Дастгоҳли академик рангтасвир асослари ва композиция	244		108	-42
4.03	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитишда технологиялар ва лойihalаштириш	158		114	3.03	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитишда технологиялар ва лойihalаштириш	248		140	+26
4.04	График тасвирлаш асослари	434		296	3.04	График тасвирлаш асослари	400		206	-90
4.05	Танлов фаилари	160		108	3.05	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси	236		132	-20
					3.06	Танлов фаилари	142		72	-36
5.00	Қўшимча фаилар	396	5,39	206	4.00	Қўшимча фаилар	376	5,71	216	+10
	ЖАМИ	7344	100	4352		ЖАМИ	6588		3660	-692
	Малака амалиёти	756				Малака амалиёти	1296			+540
	Битирув иши	270				Битирув малакавий иши	324			+54
	Аттестациялар	918				Аттестациялар	810			-108
	Жами	1944				Жами	2430			+486
	ҲАММАСИ	9288				ҲАММАСИ	9018			+270


Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат педагогика университети



Ректор




Ш.Шарипов

2018 йил « 6 » август

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази



Директор



М.Эсанов

2018 йил « 6 » август

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини
ривожлантириш маркази



Директор




Б.Рахимов

2018 йил « 10 » 08

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат
қилиш Бош бошқармаси







Бошлик



С.Низбеков

2018 йил « 10 » 08

5110800 –Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
бакалаврият таълим йўналишида ишлаб чиқилган
малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳининг келишув варақаси

№	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари	Аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имз
1	раис	Д.У.Эргашев	Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори	
2	аъзо	Я.У.Исмадияров	Низомий номидаги ТДПУ Касб таълими факультети декани	
3	аъзо	Р.Ш.Халилов	Низомий номидаги ТДПУ Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири	
4	аъзо	Н.Э.Ташимов	Низомий номидаги ТДПУ Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири	
5	аъзо	Г.М.Аноркулова	Низомий номидаги ТДПУ Касб таълими методикаси кафедраси мудири	

Ректор

Ш.С.Шарипов

Ўқув ишлари бўйича проректор

Д.У.Эргашев

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи

А.А.Хужаев






Факультет декани

Я.У.Исмадияров







**5110800 –Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
бакалаврият таълим йўналишида ишлаб чиқилган
малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чикувчи
Ишчи гуруҳ таркиби**

Т/Р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	Ш.С.Шарипов	Раис, ректор	
Аъзолари:			
1	Р.Ш.Халилов	Низомий номидаги ТДПУ Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири	
2	Булатов С.С.	ТДПУ, профессор	
3	Н.Э.Ташимов	Низомий номидаги ТДПУ Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири	
4	Валиев А.Н.	ТДПУ, доцент	

Ректор _____  Ш.С.Шарипов

М.Ў.

Ўқув ишлари бўйича проректор _____  Д.У.Эргашев

Декан _____  Я.У.Исмадияров

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент давлат педагогика университетида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“10” 08 2018 й.

Қатнашдилар: Ф.Жўракулов – ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Н.Жўраев - ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Ф.Г.Шарипов – ГулистонДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Бойтиллаев – НаманганДУ ўқув ишлари бўйича проректори, М.Жумамуротов – НукусДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, А.Қўшақов – НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Давлетов – Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Тургунбаев – Умумий математика кафедраси мудири, С.Турсунов – Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Дўстматов - Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири, О.Искандаров - Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Г.Шахмурова - Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Г.Турсунбоева - Ботаника кафедраси мудири, Н.Алимқулов - География ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Д.Маматқулов - Зоология ва анатомия кафедраси мудири, З.Салиева – Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири, Н.Халилова – Психология кафедраси мудири, Г.Джанпеисова – Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири, Д.Якубжоновна – Махсус таълим методикаси кафедраси мудири, З.Аҳмедова – Коррекцион педагогика кафедраси мудири, С.Назаров – Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., О.Юсупов – Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири, О.Латипов - Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Ю.Матенова - Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Рахматуллаева - Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Н.Жамолов - Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири, К.Туленова – Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири в.б., Г.Анорқулова – Касб таълими методикаси кафедраси мудири, Д.Маматов – Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири, Н.Ташимов – Мухандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Халилов – Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Л.Набиуллина – Ахборот технологиялари кафедраси мудири, А.Холиқов – Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, У.Раджабов – Жисмоний маданият кафедраси мудири, Қ.Панжиев – Мусиқа таълими кафедраси мудири ва таклиф этилганлар.

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи

гурухлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси:

Сўзга чиқди: Д.Эргашев – маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди. ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-услугий бўлими томонидан барча кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив ҳужжатлар асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини лойиҳалари қайта ишлаб чиқилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

- | | |
|-----------------|---|
| Ш.С.Шарипов | - Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Д.У.Эргашев | - Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| Д.Давлетов | - Математика ўқитиш методикаси кафедраси муdiri; |
| Р.Тургунбаев | - Умумий математика кафедраси муdiri; |
| С.Турсунов | - Информатика ўқитиш методикаси кафедраси муdiri; |
| О.Дўстматов | - Физика ва астрономия ўқитиш методикаси муdiri; |
| О.Искандаров | - Кимё ўқитиш методикаси кафедраси муdiri в.б.; |
| Г.Шахмунова | - Биология ўқитиш методикаси кафедраси муdiri; |
| Г.Турсунбоева | - Ботаника кафедраси муdiri; |
| Н.Алимкулов | - География ўқитиш методикаси кафедраси муdiri; |
| Д.Маматкулов | - Зоология ва анатомия кафедраси муdiri; |
| З.Салиева | - Педагогика ва умумий психология кафедраси муdiri; |
| Н.Халилова | - Психология кафедраси муdiri; |
| Г.Джанпеисова | - Мактабгача таълим методикаси кафедраси муdiri; |
| Д.Якубжонова | - Махсус таълим методикаси кафедраси муdiri; |
| З.Аҳмедова | - Коррекцион педагогика кафедраси муdiri; |
| С.Назаров | - Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси муdiri в.б.; |
| О.Юсупов | - Инглиз тили амалий курси кафедраси муdiri; |
| О.Латипов | - Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси муdiri; |
| Ю.Матенова | - Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси муdiri; |
